

Онг негизида толерантлик ва уни ривожлантириш омиллари

Инсониятнинг ақл салоҳияти ривожланиши сари унинг эҳтиёжлари ҳам ўсиб бормоқда. У бугун кечагига қараганда, эртага эса ундан-да, кўпроқ яхши яшашга, моддий-маънавий баркамолликка эришишга ва фаровон ҳаёт кечиришга интиломоқда. Аслида бу инсоният тараққиётининг мазмуни, унинг ҳаёт кечириш қонунияти ва фалсафаси ҳисобланади.

Инсониятнинг ижтимоий муҳитда яшашида онг-миллий онг даражасига кўтарилиб борар экан, у ўзида муайян бир ижтимоий моҳиятни намоён этади. Шунинг учун “одам” ва “инсон” тушунчаларида умумийлик билан бирга, хусусийлик хусусиятлари ҳам мавжудлигини ҳисобга олиш керак. Одам биосоциал мавжудод тарзида, маълум бир вазиятларда ҳайвонлардаги каби икки нафс ораси сифатида ўзини намоён этади. Бундай ҳолатда толерантликда ҳам қарама-қаршилиқлар ҳосил бўлиб, у нафс балосига учраб, нотўғри йўлга кириб кетиши мумкин. Лекин одамда ижтимоий моҳият биринчи ўринга чиқса, у ўз нафсларини чегаралаш қобилиятига эга бўлади ва социобиологик мавжудод сифатида инсонга айланади. Демак, одамнинг инсонга айланиши учун олий бир ибтидо ёки олий бир ижтимоий мақсадга комил ишонч, маънавий таянч зарур. Ишонч орқали у ўз-ўзини назорат қилиб, шу жараёнда маънавий пок, ахлоқий баркамол, бағри кенг, инсофдиёнатли, виждон-саховатли, мурувватли каби толерантлик сифатларига эга бўлиб боради. Буларнинг асосида, миллий онг билан бир қаторда, ички-ишонч аҳдномаси, идеалли (намунаси)гавдаланиб, аждодларнинг панд-насихатларига, ўғит-даъватларига тажрибаларига суянган ҳолда, фаолият кўрсатади. Бундай ҳолларда чин инсоний толерантлиги ёки ғайриинсоний унсурлар ифодаланишида мафкура хал қилувчи аҳамият касб этади. Натижада ўзи ҳақида фикр юритиш, руҳида кечаётган жараёнларни, хатти-ҳаркатларини, таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиб, ўзини ўзгалардан ажрата билиш, ўзига муносабат, имкониятларини баҳолаш, билиш ва тартибга солишдек унсурларни ажратиш мумкин. Бу унсурлар ўз-ўзини

англашнинг соҳибига-субъектига кўра фарқланувчи муайян шахс, ижтимоий гуруҳ, миллат, жамиятга хосдир. Инсон ўзини англаши натижасида алоҳида организм, оила, ижтимоий гуруҳ, миллий маданиятга мансублигини билади ва шуларга хос иш юрита бошлайди. Натижада, миллий ўзликни англаш, Ўзбекона толерантлик хусусиятлари шаклланиб боради. Миллий маданият ва миллий ўзликни англаш миллат маънавий оламининг қўш қаноти бўлиб, миллий ўзликни англаш иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик (нафосат) каби муносабатлар мустақил давлат, тил ва маданият асосида инсон онгида ўз ифодасини топади. Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий ғурур, ифтихор хислари қайта ривожланиб, миллий ўзликни англаш борасида ўзбек толерантлигининг турли йўналишлари шаклланишининг назарий-методологик асослари, таянч манбалари юзага келади. Улар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлмоқда:

а) Индивидларда-шахсга айланиб ўзбек халқи ва бошқа халқлар намоёндаларининг ўз тарихи ва маданий меросини ўрганишга қизиқишда;

б) Ўз миллий тили ва ижтимоий вазифаларини кенгайтиришдан манфаатдорликда;

в) Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун кўрсатадиган жонбозлигида;

г) Миллий бирлик ва тотувлик-толерантлик-бағри кенглик зарурлигини тушуниб, шу асосда фаолият кўрсатишда;

д) Бозор иқтисоди муносабатларига тўла ўтиб, иқтисодий бўҳронлардан чиқиб олиш учун кўрсатаётган фидойиликда;

е) Миллий маданиятга нисбатан лоқайдликка барҳам бериш зарурлигини англашда.

ё) Мамлакатда яшаётган бошқа миллат намоёндалари билан самимий, беғараз қардошлик алоқаларини барқарор этиш учун ҳамкорликда ўз ифодасини топмоқда.

Миллий ўзликни англаш, миллий онг миллий қаландимоғликни инкор этади ва ижобий йўналишдаги толерантлик хусусиятларини шакллантиради.

Натижада, миллий онг ва миллий ўзликни англаш жараёни ривожланиб, инсонлар орасида бир-бирига хурмат-эҳтиром каби толерантлик хусусиятлари ўсиб, одамлар айрим кусурлардан холи бўлиб борадилар.

Ижтимоий муҳит таъсирида ривожланган, тушунган инсон томонидан бўлаётган воқеликни тушуниб етиш миянинг шундай функциясига айланадики, унинг моҳияти ташқи дунёни тўғри, умумлашган, мақсадга йўналтирилган ва ижодий ўзгартирилган шаклда акс эттирилади. Шулар билан бир каторда, онг илгариги тажриба ёрдамида тўпланган таасуротларни ўзаро боғлайди, ўзини атроф-муҳитдан ажратиб, объектга (ҳодиса ёки инсонларга) субъект сифатида (таъсирларни қабул қилувчи ва ўзи ҳам шу ҳодиса ва нарсаларга таъсир қилувчи сифатида) қарама-қарши қўяди. Бу ерда, албатта, содир бўлиши мумкин бўлган ёқимсиз ҳолатлар ёки хусусиятлар назарда тутилади. Бундай ҳолатларни инсонлар назоратидан четда қолдирмасдан, унга нисбатан омма ўз таъсирини ўтказди. Ниҳоят, инсон онгли фаолият қилувчи бўлгани сабабли халқ, омма учун ижобий таъсир қилувчи манба ва ҳодисаларга ижобий ёндашади. Демак, онг воқеликни эмоционал (хиссий) баҳолаш ва инсонларни мақсадга мувофиқ фаолиятини таъминлашдир. Шахсий хатти-ҳаракатларни ақлан фикрий кўришдан иборат бўлган онг, шахснинг атрофидаги ва, айти пайтда, ўз маънавий дунёсида содир бўлаётган ҳодисалар тўғрисида ҳисоб бериш мазмунига айланади. Яъни, миллий онг шаклланишига бўлган истак ва интилиш ҳар бир шахсдан мустақиллик ғояси ривожланиши, Ватан озодлигини янада мустаҳкамлаш учун қўшган ҳиссаси, ўз маънавий дунёсида содир бўлаётган ҳодисалар ҳамда уларни бошқаларга таъсири ҳақида ҳисобат беришни талаб этади. Хулоса қилган ҳолда, айтадиган бўлсак, онг оддий образлар (сиймо) йиғиндилари эмас, балки воқеликни акс эттириш ва ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятнинг руҳий йўналишдан иборат маълум бир шаклидир. Онг – инсон функцияси сифатида тўртта тенг компонентдан (бўлимдан) ташкил топган бўлиб, қуйидагилардан иборат.

1. Оддий маънавий қобилиятлар ва улар асосида олинадиган билим соҳаси. Бунга рухий жараёнлар: сезги, идрок, тасаввурлар киради. Улар ёрдамида ташқи дунё ўз вужуди ҳамда ўзгалар билан алоқаси хақида дастлабки ахборатлар олинади;

2. Онгнинг мантиқий-тушунчавий компоненти. Тафаккур ёрдамида инсон бевосита хиссий маълумотлардан объектларнинг (манбаларнинг) мохиятли даражаларига чиқади, умумий тушунчалар, тахлилий операциялар ва қатъий мантиқий далиллардан иборат;

3. Мантиқий-тушунчавий онг соҳасининг асосий мақсади ва тартибга солувчиси ҳақиқат ҳисобланади. I-II компонентлар онгнинг ташқи билиш (ёки ташқи предметли (нарса ёки ҳодисали) қисмини ташкил қилади. Бунда рухий дунёнинг субъектив, шахсий ва қадр-қимматли компонентлари гўёки яширин ҳолатда бўлади. Улар онгни чап томонини ташкил қилса, ўнг томони икки қисмдан иборат бўлиб, бир қисми онгнинг эмоционал (хиссий) компоненти билан боғланган бўлиб, ташқи дунё билан бевосита туташган. Бу инсон ҳаёти давомида дуч келадиган ёки келиши мумкин бўлган воқеа ва ҳодисаларга оид хотиралар, хиссиётлар, тахминлар, билан дунёга боқади.

Яъни, онгнинг манбаи индивиднинг (шахснинг) маънавий дунёси, унинг турмуш тарзи ва кечинмалари ҳисобланади. Инсон мусиқа, тасвирий санъат асарлари ва бошқаларга, ўзига хос кечинма ва образларни туйган ҳолда муносабатда бўлади, акс эттириш жараёни инсонни рухий реаллигини англатади.

4. Онгнинг яна бир манбасига ҳаётнинг хужайралар даражасида ташкил топган, кўплаб нейронлар ва уларнинг алоқаларидан иборат макро тузилишдаги табиий тизим сифатидаги мия киради. Яъни миянинг физиологик ва химик-биологик ҳолати дунёни идрок қилиш характерига таъсир қилувчи омиллардан биридир.

Ҳозирги вақтда миянинг тўлқинли квантомеханик табиати тўғрисидаги гипотеза ва тажрибавий таъсирни борган сари кўпроқ исботламоқда. Баъзи олимлар қуйидаги хулосага келмоқдалар:

Мия ўз фаолияти учун энергияни бевосита коинотдан оладиган системадир, бунда тери бу энергияни сақлаб туриш механизми вазифасини бажаради. Мия планета биосфераси билан алоқадордир. Демак, мия бутун коинат билан энергетик ва ахборот алоқа каналлари орқали боғланган. Бундай индивидуал ахборотнинг умумолам ахборот жараёнидаги иштироки билан бирга, ахборотнинг ҳозирда ҳаёт бўлган кишилар онгига ёки дунёдан ўтиб кетган улуғ авлодлар онгига таъсир этиши (онгсизлик соҳаси орқали) ходисалари ҳам келиб чиқиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, ташқи манбалар инсон ички дунёси орқали англашилади ва ташқаридан (жамиятдан) келаётган ахборотлар онгда уйғунлашади. Демак, онгнинг манбаи юксак даражада ташкил топган инсон мияси ва ташқи дунё, объектив ва субъектив олам бўлиб ҳисобланади.

*Мақсуда Хажиева,
Урганч Давлат университети,
доценти*